2014 йил 13 январь, душанба

# Тошкент оқшоми

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 8 (12.569)

Баҳоси эркин нархда

*Ўзбекистон Республикаси Президентининг*
*ФАРМОНИ*

## ВАТАН ҲИМОЯЧИЛАРИ КУНИ МУНОСАБАТИ БИЛАН ҲУҚУҚНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ ОРГАНЛАРИ, МУДОФАА ВА ФАВҚУЛОДДА ВАЗИЯТЛАР ВАЗИРЛИКЛАРИ ХОДИМЛАРИДАН БИР ГУРУҲИНИ МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

*Давлатимизнинг мудофаа қудратини янада юксалтириш, миллий хавфсизликни ва давлат чегаралари дахлсизлигини таъминлаш, ёшларни миллий истиқлол ғояси ва она Ватанга садоқат руҳида тарбиялаш ишига қўшаётган катта ҳиссаси, миллий манфаатларимизни ҳимоя қилиш ва тинчликни таъминлаш, барқарорлик ва жамоат тартибини мустаҳкамлаш борасидаги хизмат бурчини бажариш чоғида мардлик, жасорат ва фидойилик кўрсатгани учун қуйидагилар мукофотлансин:*

### «Фидокорона хизматлари учун» ордени билан

**Адилов Мирсамад** — Тошкент шаҳар Ички ишлар бош бошқармаси бошлиғи

### «Меҳнат шуҳрати» ордени билан

**Арипов Шамсиддин Сайфиевич** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий округи хизмат бошлиғи

### II даражали «Шон-шараф» ордени билан

**Камалов Атабек Мадамбекович** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий округи бўлим бошлиғи

**Норпулатов Шухрат Шерпулатович** — Тошкент вилояти Ички ишлар бошқармаси жиноят қидирув ва терроризмга қарши курашиш бошқармаси ўта муҳим ишлар бўйича катта тезкор вакили

### «Дўстлик» ордени билан

**Чернишев Дмитрий Александрович** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий округи бўлим бошлиғи

### «Мардлик» ордени билан

**Жолшимов Ринат Дариябаевич** — Қорақалпоғистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги алоҳида вазифаларни бажарувчи сафарбар отряди командирининг ўринбосари

**Иралиев Шокир Халилович** — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

**Рузибоев Бехзод Алишерович** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм гуруҳ мутахассиси

**Ташпулатов Турсунпулат Турсунюлдашевич** — Тошкент шаҳар Ички ишлар бош бошқармаси бошлиғининг биринчи ўринбосари

**Тоиров Санъат Собирович** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм гуруҳ командири

**Умрзоков Абдурашид Абдухалилович (марҳум)** — Наманган вилояти Ички ишлар бошқармаси патруль-пост хизмати ва жамоат тартибини сақлаш бошқармаси батальони милиционер-кинологи

**Халилов Содиқ Салимович** — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

**Хратов Рауф Ходиевич** — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

**Элмуротов Жахонгир Умурзакович** — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

### «Жасорат» медали билан

**Абдуразаков Акмал Бахрамович** — Тошкент шаҳар Ички ишлар бош бошқармаси ҳарбийлаштирилган ёнғин хавфсизлиги отряди бўлинма командири

**Абдуразаков Сарвар Ильхамович** — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

**Абдурахимов Асом Махмудович** — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

**Абдурахманов Марат Фаритович** — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

**Аскаров Азиз Насвалиевич** — Тошкент вилояти Ички ишлар бошқармаси алоҳида вазифаларни бажарувчи сафарбар отряди гуруҳ командирининг ўринбосари

**Балтаев Мансур Равшанбекович** — Хоразм вилояти Ички ишлар бошқармаси алоҳида вазифаларни бажарувчи сафарбар отряди гуруҳ командири

**Бекмирзаев Мансур Комилжонович** — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати Давлат чегараларини ҳимоя қилувчи қўмитасининг Чегара қўшинлари минтақавий штаби гуруҳ мутахассиси

*(Давоми 2-бетда)*

**14 январь — Ватан ҳимоячилари куни**

**ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ**



## ЭЪЗОЗ ВА ЭЪТИБОР

***«1984 йил қиш одатдагидан анча совуқ келди. Сибирь ўрмонларининг қаҳратонига, қорли бўронига чидаш осон эмасди. Изғирин суяк-суякдан ўтиб кетарди. Бу ердан тезроқ кетиш, серқуёш Ўзбекистонимизга етиш умидида кун санардик. Ҳаммамиздан ҳам сафдошимиз Самариддинга қийин бўлди. «Совуққа олдирган оёғи қорасонга айланибди, кесиш керак», деди шифокорлар. Ҳарбий хизмат давомида туғишганимдек бўлиб қолган ёш йигит ҳақида бундай хулосани эшитиш жуда оғир эди. Армияга соппа-соғ келиб, мажруҳ бўлиб қайтса...»***

Тарих ўқитувчимиз Олим аканинг сўзларини тинглаб, нима учун авваллари одамлар ўз жигарбандларини армия хизматига йиғи-сиғи билан кузатганининг сабабини англаб етгандек бўлдим. Кексаларимизнинг аскарликка кетаётган йигитларга нон тишлатиб, «Ой бориб, омон қайт, болам!» деган сўзлари замирида не-не маъно мужассам экан.

...Муддатли ҳарбий хизматни Қашқадарё вилоятида ўтаган укамни кўргани борганимиз ёдимда. Ҳарбий либос укамга шу қадар ярашган, юз-кўзидан ҳаётдан мамнун экани кўриниб турарди. Отамнинг «Қийналмаяпсанми, ўғлим?» деган саволига укам бошини мағрур чайқади: «Асло!»

Қайтаётганимизда онам «Дадаси, сездингизми, ўғлимиз анча тўлишибди. Армияда шароит зўр шекилли!» деди ўз севинчини яширолмай.

– Албатта, зўр-да, – деди отам кулиб. – Ҳарбий хизмат ўғлингга ҳар жиҳатдан маъқул келгани шундоққина юз-кўзидан билиниб турибди. Бизнинг эса карам шўрваю картошка қайласидан бошимиз чиқмас эди.

Дарҳақиқат, собиқ тузум даврида юртимиз ўғлонлари ҳарбий хизматни ўташ учун ўз Ватанидан анча олисга – иқлими бегона узоқ ўлкаларга юборилар, умрининг гуллаган даврининг икки-уч йилини оғир ва машаққатли шароитда ўтказар эди. «Казарма» деб номланмиш «қўра»нинг носоғлом муҳити туфайли турли хасталикка чалиниш ҳам ҳеч гап эмас эди.

Истиқлолимиз шарофати ва Президентимиз Ислом Каримовнинг ташаббуси билан мамлакатимиз хавфсизлиги, ҳудудий яхлитлигини, халқимизнинг осойишта ҳаётини ишончли ҳимоялашга қодир, замонавий ҳарбий техника билан тўлиқ таъминланган, давр талаби ва жаҳон андозаларига жавоб берадиган Қуролли Кучларимиз барпо этилди. Ҳарбийлар учун жуда катта қулайликлар ва имтиёзлар яратилди. Ҳозир уларга ҳамма ҳавас билан қарайди.

Мамлакатимиз Қуролли Кучларида амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотлар самарасини Тошкент вилоятида жойлашган ҳарбий қисм мисолида ҳам яққол кўриш мумкин. Бу ерда ҳарбий хизматчилар учун барча шарт-шароит ва қулайликлар яратилган. Мазкур қисм ҳарбий соҳада қўлланилаётган барча замонавий ҳарбий техника воситалари билан тўлиқ жиҳозланган.

Қисмда жанговар ва маънавий-маърифий тайёргарликни янада ошириш учун барча шароит муҳайё. Ҳарбий машғулотлардан ташқари, спорт билан мунтазам шуғулланишга ҳам алоҳида аҳамият берилади. Спорт заллари ва майдонлари ҳамда тренажёр хоналари ҳарбий хизматчилар ихтиёрида.

Айниқса, ҳарбий қисмдаги ҳаво-десант тайёргарлиги шаҳарчаси эътиборимизни тортди. У ерда бир гуруҳ аскарлар машғулот ўтаётган экан.

– Ҳарбий қисмимизда Ватан ҳимоячиси бўламан, деган жасур ўғлонлар жисмоний ва маънавий камол топиб, Ватанга муҳаббат ва эл-юрт ҳимоясига шай туриш руҳида тарбияланаётир, – дейди мазкур ҳарбий қисм командирининг ўринбосари, майор Шуҳрат Исмоилов. – Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида ҳарбий хизматчиларни моддий ва маънавий рағбатлантиришга алоҳида эътибор қаратилаётир. Ҳарбийларнинг барча шарт-шароитга эга уй-жой билан таъминланаётгани, оиласига улкан ғамхўрлик кўрсатилаётгани бизга катта куч-ғайрат бағишлайди.

Ҳарбий қисмдаги турли мавзулардаги адабиётларга бой кутубхона, компьютер хоналари уларнинг интеллектуал салоҳияти, маънавиятини юксалтиришга хизмат қилмоқда.

*(Давоми 3-бетда)*

## ХХI аср садоси

Барча манбалардан олинган сўнгги хабарлар

### МАМЛАКАТИМИЗДА

● **Термиз шаҳрида Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатасининг Сурхондарё вилоят ҳудудий бошқармаси ва вилоят иқтисодиёт бош бошқармаси ҳамкорлигида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 25 ноябрдаги «Тадбиркорлик субъектларини интернет тармоғи орқали давлат рўйхатидан ўтказиш механизмини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори тарғиботига бағишланган давра суҳбати ўтказилди.**

● **Самарқанд шаҳрида вилоятдаги хотин-қизлар қўмиталари, «Маҳалла» хайрия жамоат фонди туман ва шаҳар бўлинмалари вакиллари, таълим ва тиббиёт муассасалари ходимлари, маҳалла маслаҳатчилари иштирокида вилоят аҳолиси ўртасида соғлом турмуш тарзини кенг тарғиб қилиш, маҳаллалар ва оилалардаги ижтимоий-маънавий муҳит барқарорлигини таъминлаш масалаларига бағишланган йиғилиш бўлиб ўтди.**

● **Фарғонада «Намунали милиция таянч пункти» республика кўрик-танловининг вилоят босқичи бўлиб ўтди. Унда танловнинг қуйи босқичларида сараланган 12 милиция таянч пункти иштирок этди. Танлов якунларига кўра, Кўқон шаҳридаги 47-милиция таянч пункти ғолибликни қўлга киритиб, мамлакат босқичида иштирок этиш йўлланмасига эга бўлди.**

● **Андижон вилояти ўрта махсус, касб-ҳунар таълими бошқармаси тасарруфидаги академик лицей ва касб-ҳунар коллежлари ўқувчилари ўртасида умумтаълим фанлари бўйича фан олимпиадасининг туман ва шаҳар босқичлари бўлиб ўтди. Ушбу билимлар беллашувларида 4 мингдан зиёд ёшлар ўз билим ва иқтидорини синовдан ўтказди.**

● **«Ўзбектелеком» акциядорлик компанияси Сирдарё филиали томонидан Гулистон шаҳридаги Алоқа уйида «Call center» замонавий ахборот-чақирув маркази фойдаланишга топширилди. Эътиборлиси, бу ерда интерфаол хизматлар орқали интернет, компьютер муаммолари бўйича маслаҳатлар олишдан тортиб, об-ҳаво маълумотларигача хабардор бўлиш мумкин.**

### ЖАҲОНДА

● **Шимолий Америка ва Канадада ҳукм сураётган қаттиқ совуқ натижасида АҚШнинг Нью-Йорк штати ва Канаданинг Онтарио музофоти оралиғида жойлашган дунёдаги энг улкан Ниагара шаршараси ҳам музлаб қолди. Натижада сув оқими шаршара тубига етиб бормай улкан сумалакка айланган. Таъкидлаш керакки, ушбу шаршара қаҳратон қиш боис 1848 ва 1912 йилларда ҳам музлаганди.**

● **ФИФА бош котиби Жером Вальке 2022 йили футбол бўйича Қатарда ўтказиладиган жаҳон чемпионатининг 15 ноябрдан 15 январгача бўлган муддат ичида ташкил этилишини маълум қилди. Яъни, ушбу даврда Қатарда ҳаво ҳарорати йигирма беш даража атрофида иссиқ бўлади ва бу футбол ўйнаш учун қулай шароитдир.**

● **Тайлер Армстронг исмли тўққиз ёшли бола ғарбий ярим шардаги энг баланд Аконкагуа чўққисини забт этди. Бунда унга отаси Кевин ва химолайлик тажрибали йўл кўрсатувчи Лхаванг Дхондаплар ҳамроҳлик қилишди. Бунга қадар денгиз сатҳидан 6962 метр баландликдаги ушбу чўққига кўтарилган энг ёш альпинист колорадолик ўн ёшли Меттью Монис ҳисобланган.**

## ҚИСҚА САТРЛАРДА

***Тошкент шаҳар ҳокимлигининг Ахборот хизмати ва ўз мухбирларимиз хабарларидан.***

✓ **БУГУН** Ҳамза туманидаги Тошкент меҳмонхона хўжалиги касб-ҳунар коллежида Ватан ҳимоячилари кунига бағишлаб аскар оналар иштирокида тадбир ташкил этилди.

✓ **ПОЙТАХТИМИЗДА** «Билимлар беллашуви» танловининг туман босқичлари бўлиб ўтди.

✓ **ЭРТАГА** Ўзбекистон Давлат жаҳон тиллари университетида «Ватаним мард ўғлонлари» мавзусида тадбир ўтказилади.

*Ўзбекистон Республикаси Президентининг*
*ФАРМОНИ*

# ВАТАН ҲИМОЯЧИЛАРИ КУНИ МУНОСАБАТИ БИЛАН ҲУҚУҚНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ ОРГАНЛАРИ, МУДОФАА ВА ФАВҚУЛОДДА ВАЗИЯТЛАР ВАЗИРЛИКЛАРИ ХОДИМЛАРИДАН БИР ГУРУҲИНИ МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

*(Давоми. Боши 1-бетда)*

**Бердиев Ойбек Бахтиярович** — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати Давлат чегараларини ҳимоя қилувчи қўмитасининг Чегара қўшинлари минтақавий штаби чегара пости бошлиғи

**Бобокулов Яркин Эркинович** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм гуруҳ мутахассиси

**Валламов Нигматилла Гайратович** — Тошкент вилояти Фавқулодда вазиятлар бошқармаси тез ҳаракат қилиш махсус отряд қутқарувчиси

**Дурдиев Йўлдош Омонович** — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

**Иброхимов Нозимжон Осимжон ўғли** — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати Давлат чегараларини ҳимоя қилувчи қўмитасининг Чегара қўшинлари минтақавий штаби назоратчиси

**Илхамов Дилмурод Махмуджонович** — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

**Ишназаров Алишер Азаматович** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм гуруҳ мутахассиси

**Кадиров Абрарбек Муродович** — Наманган вилояти Поп тумани ички ишлар бўлими жиноят қидирув ва уюшган жиноятчиликка қарши курашиш бўлинмаси катта тезкор вакили

**Каримов Сулаймон Нормуродович** — Бухоро вилояти Ички ишлар бошқармаси жиноят қидирув ва терроризмга қарши курашиш бошқармаси катта тезкор вакили

**Матсафаев Нурбек Абдурахманович** — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

**Мурадов Акрам Салимджанович** — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

**Мухаммадиев Нодирбек Бекмуродович** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм секция командири

**Насридинов Аҳадхон Аълохонович** — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

**Отамуродов Азамат Раҳимович** — Давлат божхона қўмитасининг Сурхондарё вилояти божхона бошқармаси «Сариосиё» чегара божхона комплекси бошлиғи

**Рахмонов Бахтиёр Махмудович** — Тошкент шаҳар Ички ишлар бош бошқармаси алоҳида вазифаларни бажарувчи сафарбар отряди гуруҳ катта мутахассиси

**Рузметов Раматжон Ниёзматович** — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати Давлат чегараларини ҳимоя қилувчи қўмитаси Чегара қўшинлари минтақавий штаби бўлинма бошлиғининг ўринбосари

**Сагдуллаев Фуркат Шукурулло ўғли** — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати Давлат чегараларини ҳимоя қилувчи қўмитасининг Чегара қўшинлари минтақавий штаби ходими

**Садиков Саид Камильевич** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм эскадрилья командирининг ўринбосари

**Саидмурадов Алишер Базарбаевич** — Жиззах шаҳар ички ишлар бўлими жиноят қидирув ва уюшган жиноятчиликка қарши курашиш бўлими бошлиғининг ўринбосари

**Сатилов Дилшоджон Хайиталиевич** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги Бош штаби хизмат бошлиғи

**Тилаболдиев Шухратжон Рустамович** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм гуруҳ командирининг ўринбосари

**Турдиев Нодиржон Кобилжонович** — Самарқанд вилояти Ички ишлар бошқармаси алоҳида вазифаларни бажарувчи сафарбар отряди гуруҳ командири

**Умаров Рустам Фаридович** — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

**Уразметов Икрам Тулабаевич** — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

**Уралов Абдумавлан Атабаевич** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм гуруҳ командири

**Хажимирзаев Ёкубжон Фазилжонович** — Наманган вилояти Ички ишлар бошқармаси алоҳида вазифаларни бажарувчи сафарбар отряди командирининг ўринбосари

**Ҳакимов Қахрамон Норбўта ўғли** — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

**Хасанов Умидбек Тиловолдиевич** — Фарғона вилояти Ўзбекистон тумани ички ишлар бўлими жиноят қидирув ва уюшган жиноятчиликка қарши курашиш бўлинмаси катта тезкор вакили

**Холматов Бобир Эркинович** — Андижон вилояти Ички ишлар бошқармаси алоҳида вазифаларни бажарувчи сафарбар отряди гуруҳ командирининг ўринбосари

**Худайкулов Ёлкин Азизович** — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

**Худанов Талъат Ойбутаевич** — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

**Чориев Сирожиддин Даутович** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм гуруҳ мутахассиси

**Шамурадов Отабек Турсунпўлатович** — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

**Юлдашев Изатулла Рихсиваевич** — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

## «Содиқ хизматлари учун» медали билан

**Абдуразаков Муратали Юлчибаевич** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм катта муҳандиси

**Абдураимов Ойбек Кошбоевич** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги Бош штаби бўлимининг катта офицери

**Аскаров Султонбек Худойназарович** — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

**Ачилов Латиф Азимович** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги Бош штабининг бош мутахассиси

**Бекназаров Фазлиддин Хужаназарович** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм секция командири

**Бозоров Рустамжон Иброхим ўғли** — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

**Джураев Фархад Эшбаевич** — Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Жиноят қидирув ва терроризмга қарши курашиш бош бошқармаси бошқарма бошлиғининг ўринбосари

**Исаков Дилшодбек Ибрагимович** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм гуруҳ мутахассиси

**Қобилов Беҳзод Бекмуродович** — Қашқадарё вилояти Қарши шаҳар ички ишлар бўлими профилактика катта инспектори

**Комилов Ферузбек Садиралиевич** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм взвод командири

**Мадаминов Умидбек Марифжанович** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм бўлим бошлиғи

**Мажидов Сухроб Абдувохидович** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм взвод командири

**Мажитов Акмал Абдикромович** — Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Қоровул қўшинлари бош бошқармаси ҳарбий қисм командирининг ўринбосари

**Маллаев Искандар Маматмусаевич** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий округ қўшинлари қўмондонининг ўринбосари

**Махамадиев Элбек Турдиевич** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм гуруҳ мутахассиси

**Мирзаханов Анасжон Хошимович** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм взвод командирининг ёрдамчиси

**Наркабилов Батир Ибрагимович** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм гуруҳ мутахассиси

**Очилов Акбар Ҳожиевич** — Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Қоровул қўшинлари бош бошқармаси ҳарбий қисм командирининг биринчи ўринбосари

**Ражаббаев Адилжон Нигматович** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм катта муҳандиси

**Расулов Хусниддин Хашимович** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм гуруҳ командирининг ўринбосари

**Сагитов Фанис Фаритович** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм гуруҳ мутахассиси

**Санакулов Жахонгир Абдухалилович** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги Қарши ҳарбий госпиталининг бўлинма бошлиғи

**Саттарова Матлуба Каршиевна** — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

**Темиров Акбар Янгибаевич** — Сирдарё вилояти Ички ишлар бошқармаси жиноят қидирув ва терроризмга қарши курашиш бошқармаси бўлим бошлиғи

**Тоштемиров Мухамадали Шералиевич** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм гуруҳ мутахассиси

**Туляганов Фархад Валижанович** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм взвод командири

**Файзуллаев Мансур Ҳусанович** — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

**Хасанов Шухрат Баходирович** — Навоий вилояти Ички ишлар бошқармаси алоҳида вазифаларни бажарувчи сафарбар отряди гуруҳ командири

**Хидиров Мирҳожиддин Сунатуллаевич** — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

**Ходжиев Рустамжон Амонович** — Бухоро вилояти Фавқулодда вазиятлар бошқармаси бўлим бошлиғи

**Эгамбердиев Хасан Сунатиллаевич** — Тошкент ҳарбий округи ҳарбий суди раиси

**Юнусов Элмурод Зохиджонович** — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

## «Шуҳрат» медали билан

**Абдуллаев Куралбай Конгратбаевич** — Қорақалпоғистон Республикаси Қўнғирот тумани ички ишлар бўлими профилактика инспектори

**Абдужобборов Бахтиёржон Дастонбекович** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм гуруҳ мутахассиси

**Авазов Фарход Рахматуллоевич** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм мутахассиси

**Атнабаев Марсель Ражапович** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм катта муҳандиси

**Бойко Ольга Викторовна** — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

**Гулямов Зохид Гафурович** — Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Ёнғин хавфсизлиги бош бошқармаси ўта мураккаб ва узоқ давом этувчи ёнғинларни ўчириш бўйича ихтисослаштирилган отряди экипаж командири

**Джангибаев Хасан Уролович** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм гуруҳ мутахассиси

**Дружинина Нина Ивановна** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм бош муҳандиси

**Жабборов Алишер Гаппорович** — Ўзбекистон мудофаасига кўмаклашувчи «Ватанпарвар» ташкилоти Қашқадарё вилояти ҳарбий-техник тайёргарлиги марказининг устаси

**Ибрагимов Аброрбек Махаммадкомилович** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм взвод командири

**Инамов Жасур Асатович** — Жиззах вилояти Фавқулодда вазиятлар бошқармаси қутқарув отряди қутқарувчиси

**Иноятов Ботир Рахматович** — Термиз ҳарбий суди раиси

**Каримов Тохир Тулкунович** — Давлат божхона қўмитасининг Тошкент вилояти божхона бошқармаси контрабандага қарши курашиш бўлими ўта муҳим ишлар бўйича катта тезкор вакили

**Касимов Бахтиер Сафарович** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги Бош штаби бўлим бошлиғи

**Косимов Ойбек Мадаминхонович** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм гуруҳ командири

**Муйдинов Акмал Акрамович** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм мутахассиси

**Муратов Алишер Турапович** — Ўзбекистон мудофаасига кўмаклашувчи «Ватанпарвар» ташкилоти Жиззах автомобиль мактабининг устаси

**Резниченко Артур Михайлович** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий округи хизмат бошлиғи

**Рузиматов Бобур Садиржонович** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм гуруҳ командири

**Сапаров Одил Нодиркулович** — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

**Суханов Насим Хакимович** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги Бош штаби бўлимининг катта офицери

**Тураев Ботир Чоршанбиевич** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм гуруҳ мутахассиси

**Хайдаров Шавкат Бозарович** — Самарқанд ҳарбий прокурори

**Худойкулов Сабриддин Наврузович** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм гуруҳ мутахассиси

**Шамудинов Шарафиддин Камалович** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм батальон командирининг ўринбосари

**Шарапов Жамил Исмаилович** — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

**Шодиев Анваржон Эргашбоевич** — Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Қоровул қўшинлари бош бошқармаси ҳарбий қисм назоратчилар взводи секция командири

**Шукуров Шахобиддин Тилляевич** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги марказий ҳарбий клиник госпиталининг бўлинма бошлиғи

**Эркабоев Рахматилла Файзиллаевич** — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

**Юсупов Жавхар Ғофирович** — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати Давлат чегараларини ҳимоя қилувчи қўмитаси бошқармасининг ходими

**Ўзбекистон Республикаси Президенти**
**И.КАРИМОВ**

*Тошкент шаҳри,*
*2014 йил 10 январь*

# ЭЛ-ЮРТГА САДОҚАТ РАМЗИ

**12 январь – «Ватанга қасамёд» монументи очилган кун**



Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида Қуролли Кучларимизнинг жанговар тайёргарлиги, тактик маҳоратини ошириш, кадрлар сифатини яхшилаш, армиямизни замонавий қурол-яроғ ва техника билан таъминлаш борасида амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотлар самарасида ихчам, тезкор, замонавий қуролларга эга миллий армиямиз шакллантирилди.

Ҳарбий соҳада ўтказилган ислоҳотлар – ҳарбий хизмат муддатининг бир йил қилиб белгиланганi, ҳарбийга чақириқнинг бир йилда бир марта ўтказилаётгани, сафарбарлик-чақирув резервининг жорий этилгани, сержантлар тайёрлаш тизимининг шакллантирилгани, ҳарбий қисмларнинг тавсияномасини олган йигитларга олий ўқув юртларига ўқишга киришда берилаётган имтиёзлар, ҳарбийларнинг уй-жой ва бошқа шароитларини яхшилаш мақсадида кўрсатилаётган ғамхўрликлар ҳарбий хизматнинг нуфузини беқиёс даражада оширишга хизмат қилаётир. Бугун ҳарбий хизмат нафақат бурч, балки садоқат, матонат ва жасорат мактаби, миллий армиямиз эса мамлакатимиз ҳудудий яхлитлиги ва халқимиз осойишталигининг ишончли кафолатидир.

Тошкент шаҳрида барпо этилган «Ватанга қасамёд» монументи Ватан ҳимоячилари шарафига ўрнатилган гўзал обида, эл-юртимизнинг уларга чуқур ҳурмат-эҳтироми, муҳаббатининг ифодасидир.

Президентимиз Ислом Каримов ғояси ва ташаббуси асосида бунёд этилган бу мажмуада жасур аскар давлатимиз байроғини кўзига суртиб, Ватан ҳимояси учун, жонажон юртимизнинг ҳар қарич ерини асраш учун тиз чўкиб қасамёд қилаётир. Унинг елкаси узра мард ва жасур ўғлонни бағрида авайлаб ўстирган Ватан тимсоли – мунис ва мўътабар она ҳарбий хизматга отланган азиз фарзандига фотиҳа бериб, оқ йўл тиламоқда.

Халқимизда «Йигитнинг лафзи ҳалол бўлсин» деган нақл бор. Бу йигит киши сўз бердими, гапида турсин, ваъдасига вафо қилсин, деган маънони англатади. Биз ориятни, номусни, ғурурни ҳамма нарсадан устун қўядиган, бир сўзли халқмиз. Шундай экан, бизнинг фарзандларимиз – Ватан ҳимоячиларининг қасамёд қабул қилиш маросими шунчаки расмий тадбир эмас. Бу асл ўғлонларимиз, мард ва жасур йигитларнинг ўз халқига, Ватанига, ота-онасига, Президентига бераётган ваъдаси, лафзидир.

Ватан ҳимоячилари куни нафақат ҳарбийлар, балки бутун халқимизнинг улуғ байрамидир.Чунки дунёда Ватан ҳимоясидан муқаддас, шарафли иш йўқ. Бу байрам ёшларимизни юртимиздаги тинчлик-осойишталикнинг қадрига етишга, мамлакатимизда олиб борилаётган улкан бунёдкорлик ва яратувчилик ишларининг муносиб давомчилари бўлишга даъват этишга хизмат қиладиган гўзал тадбирдир.

«Ватанга қасамёд» монументи пойидан йил давомида гулчамбарлар аримайди. Байрам муносабати билан бу ерга ташриф буюрувчилар сафи янада кўпайган. Улар орасида мамлакатимиз ҳарбий қисмларида йигитлик бурчини ўтаётган аскару офицерлар, олий ҳарбий таълим муассасаларининг курсантлари, умумтаълим мактаблари, лицей ва коллежлар ўқувчилари, олий ўқув юртлари талабалари, ота-оналар, пойтахтимиз меҳмонлари, хорижлик сайёҳларни кўриш мумкин.

– Бу монумент ёшларимизни эл-юртга садоқат руҳида, мард ва жасур инсонлар этиб тарбиялашда муҳим аҳамият касб этмоқда, – дейди Абдулла Авлоний номидаги халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш марказий институти «Маънавият асослари» кафедраси мудири, тарих фанлари доктори Ўктам Мавлонов. – Шу боис ҳар сафар мазкур монумент зиёратига келганимда қалбимда улуғ туйғулар жўш уради.

– Ҳарбий билим юртимизда пухта билим олиб, спорт билан шуғулланишимиз учун барча шарт-шароит яратилган, – дейди Чирчиқ олий танк қўмондонлик-муҳандислик билим юрти курсанти Алишер Долиев. – Мен назарий ва амалий машғулотларда устозларимдан ҳарбий сабоқларни қунт билан ўзлаштиришга ҳаракат қиляпман. Орзуим – Ватанимга садоқат билан хизмат қилиш.

Президентимиз Ислом Каримов таъкидлаганидек, армиямизнинг кучига куч қўшадиган, вақти келганда, ҳал қилувчи омилга айланадиган қудратли бир восита борки, унинг номи – ҳарбийларимизнинг маънавий-руҳий тайёргарлиги, уларнинг бақувват ирода, фаол ҳаётий позицияга эга бўлиши, энг муҳими, ким учун ва нима учун ҳарбий бурчини адо этаётганини чуқур англаши ва тушунишидир.

«Ватанга қасамёд» монументи зиёратига келган ҳар бир юртдошимиз қалбида ана шундай туйғулар жўш уриши табиийдир. Зеро, Ватан ҳимояси учун шу заминда яшаётган инсонларнинг барчаси масъулдир.

**Абдужалол ТАЙПАТОВ,**
**ЎзА шарҳловчиси**

## 14 январь — Ватан ҳимоячилари куни

# ВАТАНГА ХИЗМАТ – МУҚАДДАС БУРЧ

***Ватан ҳимоячилари! Бу сўзни эшитганимизда кўз олдимизда кучли ва жасур, юрт тинчлиги ва осойишталигини ҳимоя қилишни ўзи учун муқаддас бурч деб билган юртнинг асл ўғлонлари гавдаланади. Улар учун юрт тинчлиги, фаровонлиги ҳар нарсадан устун, қадрли. Шу боисдан ҳам бу ўғлонларнинг тинчликни сақлаш йўлидаги мардонавор хизматлари ҳар қанча таҳсинга лойиқ. Уларнинг саботи, матонати ва жасорати ҳамиша ёш авлодга ўрнак бўлиб келган ва шундай бўлиб қолади ҳам.***

14 январь – Ватан ҳимоячилари куни! Ушбу сана юртимиз бўйлаб кенг байрам қилинади. Айни вақтда барча жойларда мазкур қутлуғ сана муносабати билан турли тадбирлар, учрашувлар, давра суҳбатлари ўтказилмоқда, олий ҳарбий таълим муассасаларида эса очиқ эшиклар куни ташкил этилмоқда. Яқинда Чирчиқ олий танк қўмондонлик-муҳандислик билим юртида ўтказилган очиқ эшиклар куни фикримиз далилидир. Ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш, ўғлонларимиз қалбида жасорат, мардлик ва шижоат каби фазилатларни шакллантириш, шунинг билан бир қаторда уларда ҳарбийликдек шарафли ва масъулиятли касбга қизиқиш уйғотиш мақсадида ташкил этилган мазкур тадбирга давлат ва жамоат ташкилотлари вакиллари, мактаб, лицей ва коллеж ўқувчилари меҳмон сифатида ташриф буюришди.

Дарҳақиқат, ҳарбийлик – шон-шараф иши. Тинчлигимиз қалқони бўлган ҳарбийларимизнинг туну кун ҳушёрликлари сабаб юртимиз тинч, ҳаётимиз фаровон. Зеро, дунёда тинчликдан буюк неъмат йўқ. Шу боисдан ҳам мана шу неъматни кўз қорачиғидек асраб-авайлаётган Ватан ҳимоячилари бу йўлда ҳар қандай машаққатларни жасорат билан енгади. Шундай экан, биз улар билан ҳар қанча фахрлансак, ғурурлансак арзийди. Тадбир давомида сўзга чиққанлар ҳам юрт тинчлиги ва осойишталигини ҳимоя қилаётган посбонларнинг шарафли хизматлари ҳақида гапирар экан, ўз туғилиб ўсган Ватанини кўз қорачиғидек асраш ва уни мардларча ҳимоя қилишга ҳар бир йигит ҳақли эканлиги, агар бирор-бир мамлакатда тинчлик ва осойишталик бўлмаса, у ерда ҳеч қачон гуллаб-яшнаш, ривожланиш ва фаровон турмуш бўлмаслигини, шундай экан, мана шундай муқаддас вазифани мардонавор адо этаётган асл юрт ўғлонлари доим эл ардоғида бўлишини таъкидлаб ўтишди. Шунингдек, улар Қуролли Кучларимизда олиб борилаётган кенг қамровли ислоҳотлар, ҳарбийликнинг нуфузи, юртимиздаги олий ҳарбий таълим муассасалари ва уларга ўқишга кириш тартиблари хусусида ҳам ўқувчиларга батафсил маълумот беришди.

Очиқ эшиклар куни давомида меҳмонлар олий ҳарбий таълим муассасасида ташкил қилинган музейга саёҳат қилишди, таълим-тарбия бериш учун яратилган шарт-шароитлар билан танишдилар, курсантлар билан мулоқот қилиб, ўзларини қизиқтирган барча саволларга жавоб олдилар.

– Тадбир менга жуда манзур бўлди, – дейди Тошкент кимё-технологиялари институти қошидаги Чирчиқ академик лицей ўқувчиси Фаррух Зарифбоев. – Бу ерда яратилган шарт-шароитлар билан танишиб, курсант акаларимиз билан суҳбатлашиб, ҳарбий бўлиш учун ўқиб-ўрганишдан ташқари, инсонда мардлик, шижоат каби фазилатлар ҳам бўлиши кераклигини тушуниб етдим. Қалбимда ҳарбий касбга ҳавас уйғонди. Келажакда мен ҳам ушбу олий ҳарбий таълим муассасасида таълим олишни кўнглимга тугиб қўйдим. Бунинг учун астойдил ҳаракат қиламан.

– Бугунги тадбирдан олган таассуротларим улкан, – дейди яна бир ўқувчи Оғабек Акимов. – Курсантлар билан бўлган мулоқот, айниқса, жуда қизиқарли кечди. Тинчлигимиз ва осойишталигимиз қалқони бўлган ҳарбийларга ҳурматим ошди. Бошқа тенгдошларим қалбларида ҳам мана шундай ҳислар кечган бўлиши, табиий. Бахтимизга Ватан ҳимоячилари ҳамиша соғ-саломат бўлсин, юртимиздан эса ҳеч қачон шоду хуррамлик аримасин.

**Гулнора ҲОЖИМУРОДОВА**



# ЭЪЗОЗ ВА ЭЪТИБОР

*(Давоми. Боши 1-бетда)*

– Орзуим рўёбга чиқиб, аскарлик бахти насиб этганидан жуда хурсандман, – дейди оддий аскар Акбар Эргашев. – Ҳарбий хизматни ўташ давомида катта сабоқ оляпман. Ҳарбий маҳорат сирларини чуқур ўзлаштиряпман. Армия кучимга-куч қўшди, ғайратимни оширди. Ётоқхоналаримиз жуда озода, таомлар тотли. Ҳар куни таркибида витаминлар сероб маҳсулотлардан тайёрланадиган, қувватга бой, лаззатли таомларни тановул қиламиз. Масалан, бугун тушликда қовурилган балиқ едик, эртага эса дастурхонимизга ош тортилади. Муддатли ҳарбий хизматни намунали адо этиб, олий ўқув юртига ўқишга кириш учун имтиёзга эга бўлишга ҳаракат қиляпман. Ана шу имтиёздан фойдаланиб, Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия институтига ўқишга киришни мақсад қилганман. Орзуим – спорт мураббийи бўлиш.

Шу ўринда яна укам ёдимга тушди. 2013 йили у қисм қўмондонлиги тавсияномасидан фойдаланиб, Тошкент давлат иқтисодиёт университетига ўқишга кирди. Қувонарлиси шундаки, унинг шартнома тўловининг 35 фоизи «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати томонидан қоплаб берилаётир.

Ҳа, мустақиллик туфайли халқимиз барча жабҳалар қатори ҳарбий соҳада ҳам улкан муваффақиятларни қўлга киритмоқда, ҳарбийларимиз доим эл-юртимиз эъзоз-эътиборида. Зеро, юртимиз посбонларини ҳар қанча эъзозласак арзийди. Улар халқининг тинчлигини деб, ўз ҳаловатидан воз кечаётир. Элу юрт ободлиги ва шу замин осойишталиги учун жон фидо этишга тайёр жасур ўғлонларимиз ўз хизматида собит экан, мамлакатимизда қарор топган тинчлик ва барқарорлик бундан кейин ҳам бардавом бўлаверади.

**Ирода УМАРОВА,**
**ЎзА мухбири**

***Тошкент бирлашган техника мактабида Ўзбекистон Мудофаасига кўмаклашувчи «Ватанпарвар» ташкилоти Тошкент шаҳар Кенгаши томонидан 14 январь — Ватан ҳимоячилари куни ва Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларининг 22 йиллигига бағишланган катта байрам тадбири ташкил этилди.***

# ЁШЛАРНИ ВАТАНПАРВАРЛИК РУҲИДА ТАРБИЯЛАШ ЙЎЛИДА

Тадбирдан кўзланган мақсад – ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш, уларда Ватанга нисбатан муҳаббатни ошириш, аҳоли, айниқса чақириққача бўлган ёшлар ва ҳарбий хизматдаги аскарларни Қуролли Кучларда амалга оширилаётган ислоҳотлар билан яқиндан таништириш ва жамиятда ҳарбийлик касбининг нуфузини оширишдан иборатдир.

Мазкур тадбирда «Ватанпарвар» ташкилоти фахрийлари, ташкилотнинг Марказий Кенгаши ва шаҳар Кенгаши вакиллари, туман ташкилотлари раҳбарлари, шаҳар Мудофаа ишлари бошқармаси, Фахрийлар Кенгаши вакиллари, ТБТМ курсантлари иштирок этди.

— «Ватанпарвар» ташкилоти оммавий ватанпарварлик тадбирларини ўтказиш давомида эришилган ижобий натижалар билан Ватан ҳимоячилари куни байрамини ўзининг муносиб ҳиссаси билан кутиб олмоқда, — дейди Ўзбекистон Мудофаасига кўмаклашувчи «Ватанпарвар» ташкилоти Тошкент шаҳар Кенгаши раиси ўринбосари Саидакром Ғаниев. — Ташкилот тизимидаги ўқув муассасаларида, жумладан, Тошкент бирлашган техника мактабида ҳар йили Ўзбекистон Қуролли Кучларига етук мутахассислар тайёрлаб берилмоқда. Таъкидлаш жоизки, ташкилот тасарруфидаги ўқув спорт-техника клублари қошидаги ҳарбий амалий аҳамиятга эга бўлган секция ва тўгаракларга жалб этилган ўсмир-ёшларнинг бу спорт турларига қизиқишлари уларнинг Ватанимизнинг етук, баркамол ҳимоячилари бўлиб етишишларида муҳим ўрин тутади.

Байрам муносабати билан ташкилотнинг бир гуруҳ фаоллари ва йил якунлари сарҳисоби асосида турли номинациялар бўйича ғолиб чиққан ташкилотлар ва уларнинг аъзоларига, шунингдек, ўқишдаги билимдонлиги ва намунали хулқи учун «Ватанпарвар» ташкилоти Тошкент бирлашган техника мактаби курсантларига шаҳар Кенгашининг фахрий ёрлиқлари, қимматбаҳо совғалари тақдим этилди.

— Ташкилотимиз ватанпарварлик ғояларини ўзида мужассам этган қатор маънавий-маърифий ҳамда спорт тадбирларини ўтказиб келмоқда, — дейди Мудофаага кўмаклашувчи «Ватанпарвар» ташкилоти «Яккасарой ЎСТК» бошлиғининг маънавият, ҳарбий ватанпарварлик тарғиботи ва ташкилий оммавий ишлар бўйича ўринбосари, «Энг намунали бошланғич ташкилот» номинацияси ғолиби Санобар Маматова. — Мамлакатимизда соғлом ва етук авлодни тарбиялаш учун зарур имкониятлар яратиш, Ватанимиз ёшларини баркамол шахслар этиб шакллантириш борасида «Ватанпарвар» ташкилотига катта ишонч билдирилган. Бу ишончни оқлашга ҳаракат қиламиз.

Табдирда қўл жанги усталарининг кўргазмали чиқишлари уюштирилди.

**Зиёда РАСУЛОВА**

***Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларининг 22 йиллиги ҳамда Ватан ҳимоячилари куни муносабати билан мамлакатимизнинг ҳар бир масканида турли тадбирлар ўтказилмоқда.***

# АЖДОДЛАР ЖАСОРАТИ ВОРИСЛАРИ

«Ёшлик» талабалар шаҳарчаси ҳудудида жойлашган Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳузуридаги «Маънавият маърифат» марказида ўтказилган «Аждодлар жасорати ворислари» мавзуидаги маданий-маърифий тадбир ҳам Ватан ҳимоячилари кунига бағишланди.

Ушбу маънавий-маърифий тадбир «Ёшлик» талабалар шаҳарчаси ҳокимлиги ва Абу Райҳон Беруний номидаги Тошкент Давлат техника университетининг ҳарбий кафедраси ҳамкорлигида ташкил этилиб, унда шаҳарча ҳудудида жойлашган Тошкент Давлат техника университетининг ҳарбий кафедраси талаба-ёшлари, курсантлар, офицерлар, шаҳарча ҳудудида соғлом муҳитнинг барқарорлигини таъминлашда кўмагини аямайдиган, ушбу билим даргоҳининг кўнгилли талаба-ёшларидан тузилган «Огоҳ посбонлар» гуруҳи аъзолари иштирок этишди.

– Заминимизнинг ҳар бир қарич тупроғи муқаддас, – дейди биз билан суҳбатда «Камолот» ЁИҲ «Ёшлик» талабалар шаҳарчаси етакчилар Кенгаши раиси Фаёз Қошақов. – Истиқлолнинг илк кунлариданоқ Юртбошимиз раҳнамолигида Ватанимиз посбонларининг ҳарбий салоҳиятини оширишга алоҳида эътибор қаратилиб келинмоқда.

Маънавий-маърифий тадбир давомида спорт мусобақалари, маданий кечалар ташкил этилди. Зулфия номидаги давлат мукофоти совриндорларининг чиқишлари, Абу Райҳон Беруний номидаги Тошкент Давлат техника университети ҳарбий кафедраси талабаларининг тош кўтариш ҳамда армрестлинг спорт турлари бўйича мусобақалар шулар жумласидандир.

Ўзининг ташаббускорлиги, иқтидорини намойиш қилган, шаҳарча ҳудудида тинчлик ва осойишталикни таъминлашга ҳиссасини қўшган ёшлар ташкилотчи ҳамда ҳамкорларнинг диплом ва эсдалик совғалари билан тақдирланди.

**Ҳабиба ЙЎЛДОШЕВА**

# ТИНЧ ВА ОСОЙИШТА ҲАЁТИМИЗНИНГ МУСТАҲКАМ КАФОЛАТИ

***Ҳар йили юртимизда Ватан ҳимоячилари куни чинакам умумхалқбайрами сифатида катта тантана қилинади. Айни кунларда ушбу қутлуғ сана муносабати билан жойларда давра суҳбатлари, учрашувлар, спорт мусобақалари — байрамолди тадбирлари кўтаринки руҳда давом этмоқда. Ана шундай тадбирлардан бири Тошкент олий умумқўшин қўмондонлик билим юртида ҳам бўлиб ўтди.***

«Миллий армиямиз — мустақиллигимизнинг, тинч ва осойишта ҳаётимизнинг мустаҳкам кафолатидир» мавзусида ўтказилган мазкур тадбирда Муқимий номидаги ўзбек Давлат мусиқали драма театри санъаткорлари, Ўзбекистон халқ артисти Наима Пўлатова, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артистлар — Турғун Бекназаров, Меҳмонали Салимов ва таниқли актёр Нурбек Маматов иштирок этишди.

— Ватанга хизмат — олий саодат, уни ҳимоя қилиш шарафли ва муқаддас бурчдир. Шу боисдан ҳам юрт тинчлиги ва осойишталиги учун камарбаста бўлаётган ҳарбийларнинг хизмати таҳсинга лойиқ, — дейди тадбирда сўз олган Ўзбекистон халқ артисти Наима Пўлатова. — Уларнинг мардонавор хизматлари сабаб юртимизда, ҳар бир гўшада, ҳар бир хонадонда осойишталик ва шоду хуррамлик ҳукмрон. Тинчликка қалқон жасур посбонлар, асл ватанпарварлар бор экан, истиқлолимиз ҳам абадиятга юз тутади. Шу боисдан ҳам ҳарбийлар юксак эътибор ва ҳурматга сазовордирлар. Эътибор бераётган бўлсангиз, ўтган йиллар давомида Ватан ҳимоячилари кунини юксак савияда нишонлаш, байрам қилиш анъанага айланди. Бу эса чинакам Ватан ҳимоячиларига бўлган эъзоз намунасидир. Бу байрам юртимизнинг фидойи фарзандларининг байрами. Биз сиз каби мард ва жасур ўғлонларимиз билан фахрланамиз. Шундай экан, барчангизга байрам муборак бўлсин!

Азалдан алплар диёри бўлган юртимизда ҳар бир ўғлонни юртпарвар қилиб тарбиялашга алоҳида эътибор қаратилади. Аждодларимиздан қолган бу анъана асрлар оша шаклланиб, сайқалланиб, бизга мерос бўлиб келган. Айни пайтда баркамол авлодни тарбиялашда бунинг ўрни ҳар қачонгидан-да муҳим. Ушбу тадбирда ҳам санъаткорларимиз тарихда ўтган буюк бобокалонларимизнинг ибратли ҳаёт йўлларига яна бир бор назар солишди. Улар халқимиз қалбидан чуқур жой олган спектакллардан парчалар ижро этишди.Қуролли Кучлар Марказий ашула ва рақс ансамбли хонандалари ижросидаги шўх куй ва қўшиқлар тантанага байрамона шукуҳ бағишлади.

— Байрам тадбири жуда қизиқарли ва таассуротларга бой бўлди, — дейди Тошкент олий умумқўшин қўмондонлик билим юрти курсанти Анвар Ҳамроев. — Айниқса, актёрлар ташрифи кўнглимизни тоғдек кўтарди. Фурсатдан фойдаланиб, барча ҳарбий хизматчиларни, устозларимизни ушбу байрам билан чин дилдан табриклайман.

**«Туркистон-пресс»**

Ўз-ўз ўрганиб доно бўлур

## МАШРИҚЗАМИН — ҲИКМАТ БЎСТОНИ

**Ватанни севиш — иймондандир.**

* * *

**Ватан — она сўзи нақадар лазиз,**
**Сенсан ҳар нарсадан муқаддас, азиз.**

* * *

**Ўз Ватанингнинг фарзанди бўл, қадрдон тупроқ билан чамбарчас боғлиқлигингни теран ҳис қил, унга фарзандона муносабатда бўл, ундан нима олсанг, юз ҳисса ортиғи билан қайтар.**

* * *

**Биз ўз Ватанимизни севамиз, бу биз нафас олаётган ҳаводир.**

* * *

**Ватанпарвар — ўз Ватани камолоти йўлида, ўз халқига муҳаббати туфайли эзгуликлари тугул, жонини ҳам аямайдиган инсондир, халқи ва Ватани озодлиги, фаровонлиги учун ўзини қурбон қилувчи инсондир.**

* * *

**Ватан олдидаги бурч инсон учун муқаддасдир.**

* * *

**Ватандан ташқарида бахт йўқ, ҳар ким жонажон ерида илдиз отсин.**

* * *

**Ким ўз юртини севмаса, у ҳеч нимани қадрлай олмайди.**

* * *

**Ватанга муҳаббат — бутуннинг бир бўлаги сингари инсониятга бўлган меҳру муҳаббатдан вужудга келиши керак.**

* * *

**Ҳақиқий соф виждонли киши ўзидан оилани, оиладан Ватанни устун қўймоғи керак.**

* * *

**Ватанпарварлик, Ватанга муҳаббат кўр-кўрона эҳтирос эмас, балки доно ақл фаолиятидир.**

* * *

**Кимки Ватанни ардоқламаса, у оиласидан ҳам айрилади.**

* * *

**Олиймақом ватанпарварлик — Ватан фаровонлиги йўлида меҳнат қилишдир.**

* * *

**Дунё чексиз. Унда турли хил давлат ва ўлкалар кўп, лекин инсоннинг туққан онаси ҳам, унинг Ватани ҳам битта.**

**Спорт янгиликлари**

# МАСЛАҲАТЧИ МУРАББИЙ БЎЛАДИ

***26 йил «Нефтчи» футбол клубини бош мураббий сифатида бошқарган Юрий Саркисян Тошкентда мураббийлик фаолиятини бошлади.***

Гап шундаки, жорий йилда ҳам фақат чемпион бўлишга аҳд қилган «Бунёдкор» клуби Саркисянни ўз жамоасига таклиф қилди.

Эндиликда Саркисян «Бунёдкор»да маслаҳатчи мураббий бўлиб ишлайди.

Шунингдек, «Насаф» аъзоси Жаҳонгир Жолимуродов ҳам жорий йилдан «Бунёдкор» шарафини ҳимоя қилади.

**Акбар ЙЎЛДОШЕВ**



Муҳаммад Амин (ЎзА) олган сурат

***Ўзбекистон мудофаасига кўмаклашувчи «Ватанпарвар» ташкилотининг техник ва амалий спорт турлари маркази қошида техник ва амалий спорт турлари бўйича миллий жамоа аъзолари ҳамда спортчиларнинг ўқув-машғулот йиғинларини ўтказиш учун янги мажмуа барпо этилди.***

# СПОРТ ИРОДА ВА ХАРАКТЕРНИ ТОБЛАЙДИ

Ёшларни техник ва амалий спорт турлари машғулотларига жалб этиш уларни нафақат соғлом ва баркамол этиб тарбиялашнинг муҳим омили, балки чақириққача бўлган ҳарбий тайёргарлик тизимининг ажралмас қисми ҳамдир. Мамлакатимизнинг барча туманларида техник ва амалий спорт турларини ривожлантириш марказлари фаолият кўрсатмоқда. Ушбу марказларда ёшлар спорт машғулотларига жалб этилади, тайёргарликдан ўтади ва истиқболли спортчилар танлаб олинади. Бундай марказларда таълим олиш мобайнида ёшлар ўзлаштирган чуқур билим ва кўникмалар уларнинг миллий армиямиз сафларида хизмат қилишга тайёргарлик кўриши, муносиб Ватан ҳимоячиси бўлиб етишишига имкон беради. Бу, айниқса, муддатли ҳарбий хизматга саралаш жараёнида ниҳоятда асқотади.

Миллий армиямиз йилдан йилга такомиллашиб, ҳарбийларимизнинг касбий маҳорати юксалиб бормоқда. Шунга монанд бўлажак аскарларга нисбатан ҳам янги талаблар қўйилаётир. Бугун армияда хизмат қилиш учун нафақат жисмоний соғлом, балки замонавий билим ва салоҳиятга ҳам эга бўлиш зарур. Президентимиз Ислом Каримовнинг 2008 йил 20 ноябрда қабул қилинган «Фуқароларнинг Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларида муддатли ҳарбий хизматни ўташ шарт-шароитларини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони бу борада муҳим дастуруламал бўлиб хизмат қилмоқда.

Ўзбекистон мудофаасига кўмаклашувчи «Ватанпарвар» ташкилотининг техник ва амалий спорт турлари маркази мамлакатимиздаги барча техник ва амалий спорт турларини ривожлантириш марказлари фаолиятини мувофиқлаштириб боради, спорт тадбирларини ўтказиш бўйича тақвим режасини тасдиқлайди.

– Биз техник ва амалий спорт турларини ривожлантириш ҳамда оммалаштириш бўйича ишларни амалга оширамиз, – дейди Ўзбекистон мудофаасига кўмаклашувчи «Ватанпарвар» ташкилоти Марказий кенгаши раисининг ўринбосари, техник ва амалий спорт турлари маркази бош директори Шариф Мўминжонов. – Машғулотларга кўпроқ ёшларни жалб этишга ҳаракат қиламиз, турли мусобақаларни ташкил этамиз, спортнинг ушбу турлари бўйича миллий терма жамоаларини шакллантирамиз.

2013 йилнинг ўзида техник ва амалий спорт турлари бўйича 35 марта Ўзбекистон чемпионати ва биринчилиги, шунингдек, Олимпия ўйинлари дастуридан жой олган триатлон бўйича беллашувлар ўтказилди. Бундан ташқари, бундай мусобақалар ёшларнинг спортга бўлган қизиқишини ошириш, шунингдек, миллий терма жамоани энг яхши спортчилар билан тўлдиришга ёрдам беради.

Спортчилар тайёргарлик кўриши учун замонавий моддий-техник база мавжуд, хусусан, мамлакатимизнинг турли ҳудудларидаги спорт майдонлари ва мажмуаларидан фойдаланилмоқда. Андижон, Наманган ва Навоий вилоятларида республика мусобақаларини ўтказиш учун тир, Наманган ва Чирчиқда замонавий биатлон марказлари ишлаб турибди. Жиззах ва Самарқанд вилоятларида автопойга мусобақаларини ўтказиш учун база фаолият юритади.

Бундай марказ тарбияланувчилари учун спортнинг техник ва амалий тури билан шуғулланиш уларнинг келажакда қандай касбни танлашини аниқлаш имконини беради.

– Авиамодель билан шуғулланаётганимга саккиз йил бўлди, – дейди Самвел Григорянц. – Ажабланарлиси, самолёт модели ҳақиқийсидан деярли фарқ қилмайди. Уларни йиғишда ҳам математик ҳисоб-китоблар бажарилади, бинобарин, моделларнинг двигателларини йиғиш учун алоҳида билим зарур. Ўз моделларим билан турли халқаро мусобақаларда иштирок этдим ва айтишим мумкинки, Ўзбекистон спортчилари яратган моделлар бошқа мамлакатлар самолёт моделларидан асло қолишмайди, аксинча, қайсидир жиҳатлари билан улардан устунроқдир. Келажак ҳаётимни учиш аппаратларини ўрганишга бағишламоқчиман. Шунинг учун 2014 йилда шу йўналишдаги олий ўқув юртига ҳужжат топшираман.

Спортнинг техник ва амалий турларини ривожлантириш чақириққача бўлган ҳарбий хизматга тайёргарлик тизими, шунингдек, мамлакатимиз Қуролли Кучлари жанговарлигини оширишнинг муҳим бўғинидир.

**Роман БОНДАРЧУК,**
**ЎзА мухбири**

# «ЛОКОМОТИВ» ШАРАФИНИ ҲИМОЯ ҚИЛАДИ

***Қозоғистоннинг «Оқтобе» футбол клуби сафида тўп сурган Марат Бикмаев пойтахтимизнинг «Локомотив» клуби билан икки йиллик шартнома имзолади.***

Марат ўзининг илк фаолиятини 2002 йилда Тошкентнинг «Пахтакор» жамоасида бошлаган бўлиб 39 ўйинда майдонга тушиб 14 та гол урган эди. 2004 йилдан бошлаб Россияда фаолиятини олиб борди. У «Крылья Советов»,«Рубин»,«Спартак-Нальчик», «Алания» каби футбол клубларида ўйнаган, 2011 йилдан Қозоғистоннинг «Оқтобе» клуби сафида тўп сурган эди.

***Пойтахтимиздаги кураш спортига ихтисослашган олимпия заҳиралари мактаби базасида Ўзбекистон ва Озарбойжон курашчилари билан биргаликда ўқув машғулот йиғини бўлиб ўтади.***

# ҲАМКОРЛИКДА ЎҚУВ ЙИҒИНЛАРИ

Меҳмонлар устози юртимизга 12 нафар шогирди билан ташриф буюрди. Улар орасида ёшлар ўртасида ўтказилган Европа чемпионатининг кумуш медали соҳиби Руслан Қосимов мазкур чемпионат ғолиби Нурмагамед Қадриев, ўсмирлар ўртасида Европа чемпиони Руслан Сурҳаев ҳамда ёшлар ўртасида жаҳон чемпиони Жоҳид Касанзода каби эркин кураш усталаридан ташкил топган жамоанинг, бизнинг курашчиларимиз билан ўзаро тажриба алмашиши қувонарли ҳол, албатта.

– Тошкентга иккинчи маротаба келишимиз, – дейди эркин кураш бўйича Озарбойжон ёшлар терма жамоаси мураббийси Ориф Абдуллаев. – Йиғиндан асосий мақсадимиз жорий йилда бўлиб ўтадиган бир қатор мусобақаларга пухта тайёргарлик кўриш ҳамда ўзбекистонлик спортчилар билан ўзаро тажриба алмашишдир. Шогирдларим юртингиз курашчилари билан жуда яхши таниш. Ўзбекистон Спорт курашлари ассоциацияси ҳамда Озарбойжон Кураш федерацияси узоқ йиллардан буён дўстона алоқада. Фурсатдан фойдаланиб бизларга яратиб берилган барча шарт-шароитлар учун Ўзбекистон Спорт курашлари ассоциациясига миннатдорчилигимни билдираман. Келажакда ҳам дўстона алоқаларимиз янада мустаҳкам бўлишига аминман.

Бу каби ўқув машғулот йиғинларининг ташкил қилиниши мамлакатимиз спортчи ва мураббийларига тажриба ва маҳоратларини оширишда катта ёрдам беради. Йиғинларда яхши натижалар кўрсатган спортчиларимиз албатта келгусида бўлиб ўтадиган нуфузли мусобақаларда юртимиз шарафини муносиб ҳимоя қиладилар.

**Жавоҳир ТОШХЎЖАЕВ**

***Касалликларни даволашда табиат неъматлари, турли доривор гиёҳлардан, зиравор ва ўт-ўланлардан фойдаланиш табобат илми асосчилари бўлмиш аждодларимиздан мерос анъаналардандир. Дунёга машҳур Ибн Синонинг беш томдан иборат «Тиб қонунлари» асарида инсон организми учун фойдали бўлган доривор ўсимликларнинг 900 дан ортиқ тури ҳамда уларни қўллаш усуллари ҳақида маълумотлар келтирилган. Бир неча минг йиллардан буён бутун дунё ушбу меросдан тиббиётда кенг фойдаланиб келмоқда.***

# ТАБИИЙ НЕЪМАТЛАР САЛОМАТЛИК УЧУН КОНИ ФОЙДА

Ватанимиз ҳудудида ўсадиган доривор ва зиравор ўт-ўланлар нафақат турли касалликларни даволаш, балки инсон организми қувватини ошириш, меҳнат қобилиятини яхшилаш, организмнинг ҳимояланиш тизимини мустаҳкамлаш ва кимёвий моддаларсиз косметик хомашё сифатида ва бошқа қатор мақсадларда яхши фойда бериши исботланган.

Синтетик ва кимёвий тараққиёт кўламига қарамай ҳозирда дори воситаларининг 45 фоизи доривор ўсимликлардан тайёрланади.

«Шифобахш» илмий-ишлаб чиқариш маркази республикамиз ҳудудларидаги фойдали ўсимликларни маҳаллий тарзда етиштиришга ихтисослашган 5 та ўрмон хўжаликларини қамраб олади. Бу хўжаликларда «Қизил китоб»га киритилган ноёб тур ўсимликлар ва дориворлар ўстирилади. Бу хўжаликлар ҳар йили дори-дармон ишлаб чиқариш корхоналарига ўз ҳудудида етиштирилган 35 турдаги ўсимликлардан иборат 150 тоннадан ошиқ хомашё етказиб беради.

Асаларичилик ҳам халқ табобати ҳамда озиқ-овқат саноатида муҳим аҳамият касб этади. Бу соҳа қишлоқ хўжалигининг энг иқтисодий даромадли ва қизиқарли йўналишларидан биридир. Асаларичилик маҳсулотларидан тўйимли ва шифобахш асал, асалари муми — тиббиёт ва саноат учун қимматли бўлган маҳсулотлардир. Асаларилар гул ширасини йиғиб кўпгина қишлоқ хўжалиги экинларининг ҳосилдорлигини оширади. Доривор ўсимликлардан йиғилган асал янада шифобахш ва ифорли бўлади. Шунинг учун ҳар иккала соҳани бирваракайига барқарор ривожлантириш бугунги куннинг муҳим масаласидир, дейишмоқда соҳа мутахассислари.

Бу масаланинг долзарблигини инобатга олган ҳолда Ўзбекистонда Ўрмон хўжалиги бош бошқармаси томонидан БМТ кўмагида ёғочга тегишли бўлмаган ўрмон хўжалиги маҳсулотлари етиштиришни такомиллаштириш, жумладан, асаларичиликни ривожлантиришга йўналтирилган лойиҳа амалга оширилмоқда. Лойиҳа тўғрисида кенг жамоатчиликни хабардор қилиш, тарғибот-ташвиқот ишларини олиб боришни «InfoCapital Group» МЧЖ ўз зиммасига олган.

10 январда «InfoCapital Group» МЧЖ томонидан журналистлар учун навбатдаги матбуот анжумани ташкил этилди. Унда ОАВ вакилларига лойиҳа доирасида олиб борилаётган ишлар ҳақида батафсил маълумот берилди. Шунингдек, «InfoCapital Group» МЧЖ томонидан табиий доривор ўсимликлар ва асалнинг инсон организмига фойдаси ҳамда бу соҳаларни ривожлантиришга қаратилган лойиҳа ҳақида омма хабардорлигини ошириш мақсадида қатор қўлланмалар ва плакатлар нашр этилди. Тадбирда соҳа мутахассислари ушбу қўлланма ва кўргазмали тарғибот воситалари ҳақидаги тақдимотни намойиш этишди.

**Манзура БЕКЧОНОВА,**
**«Туркистон-пресс»**


## РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги қуйидаги нотариус лавозимларига
**ТАНЛОВ ЎТКАЗИЛИШИНИ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ**

**Тошкент шаҳар**

Мирзо Улуғбек туман 11-сон давлат нотариал идорасида 1 нафар

Олмазор туман 1-сон давлат нотариал идорасида 1 нафар

Олмазор туман 8-сон давлат нотариал идорасида 1 нафар

Учтепа туман 6-сон давлат нотариал идорасида 1 нафар

Чилонзор туман 3-сон давлат нотариал идорасида 1 нафар

Юнусобод туман 12-сон давлат нотариал идорасида 1 нафар

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги қуйидаги нотариус лавозимларига
**ТАНЛОВ ЎТКАЗИЛИШИНИ ҚАЙТА ЭЪЛОН ҚИЛАДИ**

**Тошкент шаҳар**

Юнусобод туман 1-сон давлат нотариал идорасида 1 нафар

Танловда қатнашиш учун қуйидаги ҳужжатлар тақдим этилиши лозим:

1.Комиссия номига ариза;
2.Паспорт нусхаси;
3.Белгиланган шаклда тўлдирилган шахсий варақа;
4. Меҳнат дафтарчасининг нотариал ёки иш жойида тасдиқланган нусхаси;
5.Талабгорнинг малака имтиҳонини топширганлиги тўғрисида Малака комиссиясининг қароридан кўчирма (малака имтиҳонини топширган, лекин нотариус лавозимида уч йил мобайнида ишламаган талабгорлар эса малака имтиҳонини қайта топширганлиги тўғрисида Малака комиссиясининг қароридан кўчирма;
6. Охирги иш жойидан берилган меҳнат фаолияти тўғрисидаги тавсифнома.

Танловда йигирма беш ёшдан кичик бўлмаган, олий юридик маълумотга, юридик мутахассислик бўйича камида уч йил муддатли иш стажига эга бўлган, шу жумладан, белгиланган тартибда стажировкани ўтаган, малака имтиҳонини топширган Ўзбекистон Республикаси фуқароси иштирок этиши мумкин.

**(Ҳужжатларни тақдим этишнинг охирги санаси 2014 йил 30 январь)**
**Манзил: Тошкент шаҳри, Сайилгоҳ кўчаси, 5-уй.**
**Телефонлар: (8-371) 233-44-48, 236-78-52, (ички) 183, 184, 185.**

**«CAPITAL REALTOR GROUP» МЧЖ очиқ аукцион савдоларига таклиф этади!**

«Capital Realtor Group» МЧЖда 2014 йил 11 февраль куни соат 11:00 да бўлиб ўтадиган объект бошланғич баҳоси ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига қуйидаги кўчмас мулк қўйилмоқда:

1. Яккасарой туман СИБ томонидан, Тошкент шаҳар Хўжалик судининг 2013 йил 7 октябрдаги 11-1304/9641-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент шаҳар, Яккасарой тумани, Кичик ҳалқа йўли кўчаси, 41-уйда жойлашган, ер майдони 600,0 м.кв., бинонинг умумий майдони 242,0 м.кв., фойдали майдони 217,91 м.кв. бўлган, бир қаватли нотурар жой. Бошланғич нархи – 250000000 сўм.

Юқоридаги кўчмас мулклар билан тегишли суд ижрочилари бўлими вакиллари иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабгорлардан аризалар ҳафтанинг расмий иш кунлари соат 10:00 дан 18:00 гача қабул қилинади ва савдо бошланишига бир иш куни қолганда соат 18:00 да тўхтатилади. Аукцион савдосида қатнашиш истагида бўлган талабгорлар кўчмас мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизи миқдоридан кам бўлмаган закалат пулини тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда ҳар бир мулк учун алоҳида тартибда савдо ташкилотчиси – «Capital Realtor Group» МЧЖнинг «Капиталбанк» ОАТБ Мирзо Улуғбек филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: № 20208000204927571003, МФО: 01018, СТИР: 207126662.

Манзил: Тошкент ш., Қушбеги кўч., 18-уй. Телефон: (8371) 250-19-24.

*Лицензия: № RR-0017.*

Тошкент шаҳар Мирзо Улуғбек туманидаги (ИНН 200539422) «O`ZKABEL SHIFOXONASI» sho`ba xo`jalik jamiyati, «UZKABEL SHIFOXONASI» mas`uliyati cheklangan jamiyat қилиб ўзгартирилаётганлиги ҳақида маълум қилади. Даъволар эълон чоп этилган кундан бошлаб 1 ой давомида 262-00-46, 262-00-47 телефонлари орқали қабул қилинади.

**«ТОШКЕНТ ОҚШОМИ» ва «ВЕЧЕРНИЙ ТАШКЕНТ»**

**Эълонлар шанба ва якшанбадан ташқари ҳар куни соат 9.00 дан 16.00 гача қабул қилинади. Маълумотлар учун телефон: 233-28-95. Факс: (371) 232-11-39. Манзилимиз: Матбуотчилар кўчаси, 32-уй, 2-қават, 225-хона.**


ЎЗГИДРОМЕТ ХАБАР ҚИЛАДИ

*Ўзгидрометнинг мониторинг хизмати маълумотига кўра, **14 январда** Тошкент шаҳри об-ҳаво шароити шаҳар ҳаво муҳитида зарарли моддаларнинг бир оз тарқалиб кетишига имконият яратади. Атмосферанинг ифлосланиш даражаси 1-3 фоиз пасайиши тахмин қилинмоқда, тагмиқдори паст бўлади.*

*Тошкент шаҳрида **14 январь** куни ҳаво ўзгариб туради, ёғингарчилик бўлмайди. Шарқдан секундига 3-8 метр тезликда шамол эсади. Ҳарорат кечаси — 0-2 даража совуқ, кундузи — 8-10 даража илиқ бўлади.*


Тошкент оқшоми

Манзилимиз: 100029, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32

ТЕЛЕФОНЛАР: Эълонлар: 233-28-95. факс: (371) 232-11-39

2007 йил 19 январда Тошкент шаҳар Матбуот ва ахборот бошқармасида 02-1-рақам билан рўйхатга олинган

Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почтамти»га — 233-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

МУАССИС: ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲОКИМЛИГИ

ISSN 2010-9229

Бизнинг электрон манзил: vto2007@mail.uz

Буюртма Г- 156

Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба ва жума кунлари чиқади

Нашр кўрсаткичи — 563

Ҳажми — 2 босма табоқ, офсет усулида босилади. 12877 нусхада босилди. Қоғоз бичими А-2

Топшириш вақти: 13.00

Нашр учун масъул Д. Исроилов

Босишга топширилди: 14.40

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй

Бош муҳаррир Акмал АКРОМОВ

1 2 3 5